EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

# ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2017–6

– Бир танишимнинг хонасида турибман. Вақтинча.[1]

Таржимада:

– Où vas-tu maintenant?

– A l'hôtel.

– A l'hôtel? Que fais-tu là-bas ?

– Je partage la chambre d'une amie pendant quelque temps.[2]

Юқоридаги парча таржимасида ҳам миллий ўзига хослик аниқ ўгирилмаган. Ётоқхона таржима матнида меҳмонхонага айланиб қолган.

"Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзларни бошқа тилга талқин этиш жараёнида уларнинг муайян контекстда ўтаётган коммуникатив ва стилистик вазифаларини аниқлаган ҳолда, таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айни пайтда, шу тил норма ва маданияти ҳазм қиладиган даражада бўлган воситалар танлаш зарурати туғилади".[3] Шундай қилиб, таржимада миллий ўзига хосликни акс эттириш масаласи бадиий таржиманинг доимий долзарб муаммоларидан бўлиб қолаверади.

**Гулжахан Алламбергенова (Қорақалпоқ Давлат университети)**

## И.ЮСУПОВ АСАРЛАРИДА СИНОНИМ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

***Аннотация.*** *Мақолада қорақалпоқ тилидаги фразеологик синонимия ўрганилган ва бу масала И.Юсупов ижоди мисолида ёритиб берилган.*

***Аннотация.*** *Статья посвящена вопросам фразеологической синонимии в каракалпакском языке на примере произведений И.Юсупова.*

***Annotation.*** *The article deals with the study of phraseological synonyts in the Karakalpak language and it is elucidated by the examples of the works of I.Yusupov.*

***Калит сўзлар:*** *сўз таркиби, семантик маъно, фразеологизм, синоним, бадиий матн.*

***Ключевые слова:*** *состав слова, семантические значения, фразеологизм, синоним, художественный текст.*

***Key words:*** *structure of a word, semantic meaning, phraseologism, synonyt, literary text.*

Луғат таркибда фақат сўзлар эмас, балки мустақил сўзлар каби яхлит маъно англатадиган бир нечта сўзлардан иборат фрезеологик бирликлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Фразеологик бирликлар ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам, маъносининг барқарорлиги жиҳатидан ҳам, услубий жиҳатдан ҳам ўзига хосликка эга бирликлардир.

Тилимизда бундай образлиликка, кучли экспрессивлик бўёқдорликка эга бўлган фразеологик бирликлар жуда кўп учрайди. Улар маъносининг ўткирлигига кўра тилнинг қаймоғи, мағзи сифатида баҳоланади.[4] Ҳақиқатан, халқимиз тил бойлиги ҳисобланган фразеологизмлардан ўринли фойдаланиб, нақл-мақоллар билан бир қаторда юксак баҳолайдилар. Ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, айниқса, унинг фразеологиясида яққол кўзга ташланади. Фразеологик бирликлар кўпчилик ҳолларда тушунчани ифодаловчи сўзларнинг муқобили ёки экспрессив образлиликка эга иккинчи номи сифатида таърифланади. Масалан, "қўрқув" маъносини англатувчи *жүреги суўлаў, жан иймайы*

[1] Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кўнгли (Бўй ва мўй ўстириш тажрибаси ёхуд руҳ тарбияси). Тошкент, 1991, 9-бет.

[2] A'zam E. Adieu aux contes de fées. Traduit de l'ouzbek par Shaazim Minovarov, Olima Nabieva avec le concours de Jacques Pagniez-Simone Hérault-Didier Guillard. Tachkent, 2015, 224 p.

[3] Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. Т., "Ўқитувчи", 1976, 133-бет.

[4] Бердимуратов Е. Ҳәзирги қарақалпақ тили. Лексикология. Нөкис, "Билим", 1994, 127-бет.

*қалмаў, жүреги суў етиў, жаны тас төбесине шығыў, жаны шығыў* каби фразеологик бирликлар сифатида муқобилларига эга.

Фразеологик синонимларнинг тилдаги турғун шаклланган ўрни бадиий адабиётда, бадиий асарларда муайян воқеа қай тарзда юз берса-да, шу ҳолича тасвирланмайди. Ёзувчи бўлган воқеани ўз мулоҳазаларига таяниб, уни бўёқдор, таъсирчан ва образли тасвирлашга интилади. Маълум бир фикрни баён этишда, айниқса, уни бадиий тил воситалари асосида тасвирлашда лексик синонимлар билан бир қаторда фразеологик синонимларнинг ҳам хизмати катта. Масалан, *кеўил көтериў – бой жазыў, ийек қағыў – бас ийзеў, иши күйиў – жаны ашыў* фразеологизмлари ўзаро синоним ҳисобланиб, улар бадиий асарларда экспрессив-услубий ва маъно жиҳатидан ўзига хосликларга эга.

Фразеологик синонимия масаласи кўпгина тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келган. Бу ҳодиса ҳар хил материаллар асосида, масалан, рус, немис, ўзбек, озарбайжон, турк, бошқирд ва бошқа тиллар фразеологик бойликлари асосида ўрганилган. Тилшунос олимлар фразеологизмлар орасидаги синонимияни белгилашда турлича усулларни кўрсатади. Масалан, И.Молотков фразеологик синонимларнинг ўзига хос тўрт хил сифатини ажратиб кўрсатади: маъноларининг бир хиллиги, ўхшашлиги; таркибида бир хил компонентларнинг бўлмаслиги; лексик-грамматик жиҳатдан ўхшашлиги, яқинлиги; компонентларининг ўзаро ўрин алмаштириш имкониятининг мавжуд эмаслиги.[1]

Қорақалпоқ тилида синонимлар фразеологик бирликлар сингари лексикологиянинг тўлиқ тадқиқ этилмаган бирликларидан бири. Лекин тилда сўзларнинг синонимик муносабати фақат якка сўзлар ўртасидагина мавжуд бўлади деб чегаралаш мумкин эмас. Чунки синонимик муносабат фразеологик бирликлар ўртасида ҳам мавжуд. Қорақалпоқ тилида фразеологик синонимларни тил фактларига таянган ҳолда икки турга ажратиб ўрганиш мумкин: фразеологик бирликлар ва якка сўзлар орасидаги синонимик муносабат; фразеологик бирликлар орасидаги ўзаро синонимик муносабат.[2]

Қорақалпоқ тилида фразеологизмлар тилнинг луғат таркибида муҳим ўрин тутиб, уларга кенг маъно хусусиятлари орқали тавсиф берилади, ўзаро маъно жиҳатидан яқин қўлланилади. Чунки фразеологизмларда эмоционаллик, экспрессивлик оддий сўзлар ёки бирикмаларга нисбатан кучлироқ. Қ.Пирниязов ва А.Пирниязовалар турғун сўз бирикмаларининг синонимик қатор ташкил этишида икки усулни кўрсатади:

Айрим фразеологик бирликлар асосида синонимлар пайдо бўлади. Биринчидан, тилимиздаги баъзи сўзлар фразеологик бирлик билан синоним бўлса, иккинчидан, фразеологик бирликларнинг ўзи синонимларни юзага келтиради.[3]

Фразеологик синонимларга хос маъно, услубий хусусиятлар улардан бадиий адабиётда лексик-семантик воситалар сифатида кенг фойдаланишга имкон беради. Бадиий сўз устаси томонидан поэзияда синонимларнинг поэтик талабларга мос услубий қўлланилиши тасвирланаётган воқеанинг ўқувчига бадиий ва образли эстетик таъсир этишида ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бадиий сўз устаси фразеологик синонимлардан айтмоқчи бўлган фикри ёки тасвирламоқчи бўлган образига мосини танлайди. Фразеологик бирликларнинг синонимик қаторларини кўплаб учратамиз. Буни қуйидаги жадвалда келтирилган фразеологик бирликларнинг синонимик қаторларидан ҳам кўришимиз мумкин.

| | |
|---|---|
| Еки көзи сарғайыў | кўп (узоқ вақт) кутмоқ |
| Еки көзи төрт болыў | |

[1] Молотков А.И. Форма фразеологии – вопросы фразеологии и ее изучение. Сов.запад.книж. изд., 1967, 184-бет.
[2] Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги. Нөкис, 1985, 31-бет.
[3] Пирниязов Қ., Пирниязова А. Қарақалпақ тилиниң лексикасы. Нөкис, 2004, 35-бет.

| | |
|---|---|
| Мисе тутпаў<br>Көзге илмеў | Менсимаслик, манманлик |

| | |
|---|---|
| Жүзди айдап бирди жетелеў<br>Төрт түлиги сай<br>Жүзди сарылап бирди пайда етиў | жуда бой |

| | |
|---|---|
| Жанына тийиў<br>Жанына егеў салыў | қийналмоқ |

| | |
|---|---|
| Ийт азап пенен<br>Өлдим азарда | зўрға |

| | |
|---|---|
| Бауырына қан болыў<br>Иши бауры езилиў | қийналмоқ |

| | |
|---|---|
| Ҳәп заматта<br>Көзди ашып жумғанша | тез |

Биз ушбу мақоламизда шоир И.Юсупов асарларида фразеологик синонимларнинг маълум услубий максадларда ишлатилиши ва қўлланиш хусусиятларини ёритишга ҳаракат қиламиз. И.Юсупов асарларига хос хусусиятлар ҳақида таниқли ўзбек шоираси Зулфия шундай деган эди: “Ибрайимнинг шеърлари гўзал, ранг-баранг. Теран ўй-фикрларини, буюк мақсадларини, ёлқинли фикр-мулоҳазаларини халқнинг минглаб йиллар давомида безаб келган нафис тилида тасвирлайди”. Ҳақиқатан ҳам, Зулфия шоирамиз айтганларидек, И.Юсупов асарларида теран поэтик куч билан бирга, тилнинг тасвир воситаларидан ўринли, маҳорат билан фойдаланиш яққол кўзга ташланади.

Фразеологик синонимларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади. Улар маъно жиҳатдан қанча яқин бўлса-да, уларни бир-бирининг ўрнида алмаштириб қўллаш мумкин эмас. Бундай синонимик қаторларнинг намуналарини И.Юсупов ижодида кўплаб учратамиз. Масалан,

Көзин излеп булақтың бул,
Не қыласаң *бас қатырып.*
“Булақ”

Самалдан сорайман шөллерге барып,
Жулдызларға қарап *ойға таламан.*
“Дәуир самаллары”

“Устазым” деп жаслар *арқа сүйеген,*
Алдыңызда ақ басымды ийемен.
*“Ағам барда арқам тамда”* дегенде
Уллы Ташкент оның ғамхор ағасы.
“Беглигиңди бузба сен”

Бесте екен Бердақ туўылған жылы,
Өзи үш кемпирдиң *басына жеткен.*
“Сорша”

Ғарғысқа жолығып бәри қалыўсыз,
*Туқымқурт болғай* деп барар тырналар.
“Тырналар”

Мисоллардаги *бас қатырыў, ойға талыў* – ўйланмоқ; *арқа сүйеў, ағам барда арқам тамда* – ишонч; *басына жетиў, туқымқурт болыў* – йўқ бўлмоқ маъноларидаги ўзаро ўхшаш маъноли фразеологизмлар бўлиб, уларни бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас. Улар услубий жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Демак, бадиий асарларда синоним фразеологизмларни қўллашда маъноларида умумийлик, яқинлик бўлса-да, тасвирланаётган ҳодиса билан боғлиқ ҳолда фразеологик синонимларнинг маъно қирралари ҳисобга олинади ҳамда уларни маҳорат билан танлаб олиш ва қўллаш орқали воқеанинг энг нозик томонларини ҳам ёритишга эришамиз.

Қорақалпоқ тилида фразеологик бирликлар таркибида маънолари бир-бирига яқин фразеологик бирликлар ҳам учрайди. Бундай синоним фразеологизмларнинг ўзига хослиги оддий сўзлардагига нисбатан алоҳида жозибадорлик касб этади.

Лексик-фразеологик синонимларда бирикма ўз маъно оттенкасига, шунингдек, стилистик турига кўра ўзига синоним бўлган оддий сўздан аниқ ажралиб туради. Бир хил тушунчани фразеологик бирлик орқали ифодалаш, одатда, оддий сўз бирикмаси орқали ифодалашга нисбатан образли, таъсирли ҳисобланади.

Фразеологик бирлик ва оддий сўз ўртасидаги синонимия лексик-фразеологик синоним деб юритилади.

Фразеологик бирликларда абсолют синонимлар мавжуд эмас. Маъноси ўзаро тенг келадиган фразеологик синонимлар тилда кам учрайди.[1]

Фразеологик синонимлар пайдо бўлиши, кўриниши жиҳатидан турлича бўлмасада, уларнинг адабий тилга хос бўлган ҳамда нутқий кўринишларини кузатишимиз мумкин. Масалан:

Сол жүристен *өлмей* аман қалғанын,
*Журимиң бар*екен еле Әскербай
"Әскербайға"

Қуўдай қушақлаған ярының,
Қолында *көз жумып* жигит *өлди* сол
"Бердақтың дуўтары"

Фразеологик бирликлар фикрни образли, таъсирчан, муайян ҳодисани ҳар томонлама образли тасвирлаб кўрсатади. Синоним фразеологик бирликларнинг маъно қирралариda таъсирчанлик, образлилик жуда кучли бўлади. Шунинг боис бадиий адабиётда фразеологик синонимлар алоҳида ўринга эга бўлиб, у орқали шоир айтмоқчи бўлган фикрнинг ўқувчига образли етиб боришига эришади. Мисоллардаги *өлиў-өлмеў* сўзлари оғзаки сўзлашув тилига хос бўлиб, у асарда эвфемизмлар билан бирга қўлланилган. Ўлмаслик – *журими бар*, ўлмоқ – *көз жумыў* фразеологизмлари фикрга қўшимча маъно оттенкаларини юклаган.

Сўз ва фразеологизмлар лексик бирликлар саналади. Сўзлар бевосита предметни ифодаласа, фразеологизмларда кучли образлилик мавжуд. Масалан, хурсанд – *аўзы қулағында, аўзы қулағына жетиў*; майда – *көз илмейтуғын, көзге көринбейтуғын*; ташвишланмоқ – *жүреги қанасына сыймаў, бир орында турмаў*.

Фраземаларда синоним сўзларга нисбатан маънонинг кучли ва образли бўлиши сезилиб туради. Синонимия – маъновий яқинлик асосида пайдо бўладиган ҳодиса. Бу ҳодиса фразеологик бирликларга ҳам хосдир. Масалан, ухлаш ва ухламасликка оид фразеологик синонимлар: *көзи илиниў – көзи уйқыға кетиў, көзгир алыў. Кирпик қақпаў, кирпиги илинбеў, кирпик–кирпигине айқаспаў* кабилар ухлай олмаслик маъносидаги фразеологик вариантлар бўлса, *түн уйқысын төрт бөлиў, көзине шөп тирелиў* билан фразеологик синонимларни юзага келтиради. Масалан:

*Уйқыңды төрт бөлип* бесик тербеттиң,

---

[1] Қәлендеров М. Қарақалпақ тилиндеги синонимлердиң грамматикалық, структуралық хәм лексика-семантикалық өзгешеликлери. Нөкис, 1984, 61–62-бет.

Қонақ-қопсы, дәстүр жеди барыңды.

"Анемия"

Гүрриңлесип *көз илипти* азырақ,
Таң сәҳәрде жолға түсемиз және.

"Аласатлы дүнья бул"

Фразеологик бирликлар оддий сўз билан синоним бўлиб кела олади. Масалан, *аяғына бас урыў* фразеологизми – ялинмоқ деган маънони билдиради. Бундай синонимлар бир маънони англатади. Фразеологик синонимлар семантик ва услубий жиҳатдан айтилмоқчи бўлган фикрни образли, таъсирчан қилиб тасвирлашда ҳамда матнда сўзларни такрор қўлланмасликда алоҳида аҳамият касб этади. Шоир асарларида бу каби оддий сўзлар ва фразеологик бирликлар биргаликда қўлланилиб, фикрнинг янада таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилган. Масалан:

Ел ишинде сырын журттан жасырып,
Жалынарман *аяғына бас урып.*

"Жанан көринбес"

Мисолдаги *жалыныў* сўзи *аяғына бас урыў* фразеологизми билан бирга қўлланилиб, қаттиқ ялинмоқ маъносини англатиб келмоқда. Бундай мисолларни шоир асарларидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан:

*Он гүлден бир гүлиң ашылмаған* жас
Сен қалайша маған боласаң жолдас?

"Актрисаның ығбалы"

Х.Қожахметова фразеологизмлар ҳақида шундай деган эди: "Фразеологизмлар бадиий асар тилини жонлантириш, кўчма маънода тасвирлашнинг тилдаги тайёр воситасидир. Улар – халқ донишмандлигининг намуналари билан суғорилган образли фикрлаш тилининг намунаси".[1] Дарҳақиқат, лексик бирликлар орасида синонимик қаторлар тилнинг лексик таркибини бойитишда қандай аҳамиятга эга бўлса, фразеологик синонимлар умуман тилда фикрнинг образли тасвирланишида шундай аҳамиятга эга. Қорақалпоқ тилидаги фразеологик бирликлар ўртасидаги синонимия ҳодисасини бадиий асарлар, жумладан, И.Юсупов асарлари мисолида тадқиқ ва таҳлил этиш тилшунослик ривожида ўзига хос амалий аҳамият касб этади.

**Marat Xojanov (Qoraqalpoq davlat universiteti)**

## O'ZLASHTIRMA QUSH NOMLARI

***Annotatsiya.*** *Qoraqalpoq tili, rus tili va rus tili orqali o'zlashtirilgan atamalarni lotin, ingliz, fransuz, shuningdek, rus tilidan to'g'ridan to'g'ri kalkalangan ornitonimlar tashkil etadi. Turkiy, mongol, arab, fors, tojik, rus va h.k. xalqlarning til aloqalari faqat bir tomonlama bo'lmadi. Shuning uchun turkiy ornitonimlarining ma'lum bir miqdori boshqa tillarning leksikasiga ham kirib bordi.*

***Аннотация.*** *В статье речь идёт о прямом переводе (кальке) орнитонимов с латинского, английского, французского, русского языков, заимствованных терминах из русского и других языков. Тюрко-монгольские, арабские, таджикские, русские языковые отношения не бывают односторонними. Поэтому определённое количество тюркских орнитонимов вошли в лексику других языков.*

***Annotation.*** *Karakalpak language, Russian language consist of Latin, English, French ornithologic words as well as there are some ornithologic names which were directly traced from the Russian language. There was not only direction of linguistic connection in Turkish-Mongol, Persian, Tadjic and Russian. That's why some numbers of the Turkish ornithology had been assigned into lexicology of other languages.*

---

[1] Қожахметова Х. Фразелогизмдердиң көркем әдебиетте қолданылыўы. Алматы, 1972, 54-бет.

## MUNDARIJA

### БУЮК САНЪАТКОР КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

**Д.Ғайипов.** Комилжон Отаниёзов ва унинг шоирлик маҳорати....3


### АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ

**Б.Собиров, Д.Рўзимов.** Кўндаланг эгилишга ишлайдиган балкада консол узунлигининг оқилона ўлчамини аниқлаш....8


### BIOLOGIYA

**X.Bekchanov, M.Bekchanova, X.Madrimov.** Hasharotlarning mavsumga bog'liq ekologik adaptatsiyasi....12

**Ю.Тухтабоева, Ш.Тожибоев.** Распределение зеленых водорослей в почвах ферганской долины....14


### TIBBIYOT

**Ш.Юсупов, У.Якубова, Ш.Машарипова.** Диареяли касалликлар тарқалганлиги ва қўзғатувчиларининг учраш хусусиятлари....19

**З.Джуманиязова.** Агрегационная активность тромбоцитов и гемодинамика при гломерулонефритах....21


### TILSHUNOSLIK

**Қ.Собиров.** Персонаж нутқида эскирган сўзларнинг услубий маъно хусусиятлари....25

**З.Салахидинова.** Экспрессивно-стилистические свойства фразеологических единиц в лексическом ярусе прозы И.С.Тургенева....28


### ADABIYOTSHUNOSLIK

**С.Самиева.**Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда айрим грамматик қийинчиликлар ва унинг келиб чиқиш сабаблари....32

**G.Boltayeva.** "Xating andoq sabzakim…"....35

**N.Sabirova, D.Allaberganova.** Kumulativ ertaklarning qiyosiy tahlili....37

**Н.Сабирова, М.Ахмедова.** Муаллиф услуби ва унинг таржимада берилиши....40


### PEDAGOGIKA

**А.Шарипов, Ж.Жамматов, Л.Абдираҳмонов.** Бўлғуси жисмоний маданият ўқитувчиларида касбий ўз-ўзини такомиллаштиришни шакллантириш....44

**Э.Худойназаров, Ю.Раджапова.** Бошланғич мактабда лойиҳа ва лойиҳа технологиялари – ўқувчиларни ижодий фаоллаштириш омили сифатида....47

**Б.Мирзаев.** Ўзбекистонда чет эл инвестициялари фаолиятини ривожлантиришда хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамияти....50

**З.Рузиева.** Роль древнерусской литературы в духовно-нравственном становлении личности....54

**А.Садуллаева.** Кружковая деятельность – как основа формирования социокультурной компетенции в начальном этапе обучения иностранному языку....59


### ILMIY AXBOROT

**S.Saparova.** Hozirgi o'zbek tilida konsonantizm masalasi....64

**П.Нишонов.** Бадиий таржимада миллийликни сақлаш муаммолари....66

**Г.Алламбергенова.** И.Юсупов асарларида синоним фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши....71

**M.Xojanov.** O'zlashtirma qush nomlari....75

**Е.Фалеева.** Части речи в системе словарной кодификации....78

**A.Otaboyev.** Faqiriy ijodiga bir nazar....82

**R.Sharopova.** Ijtimoiy-siyosiy mazmundagi publitsistik matn xususiyatlari....86

**Т.Турумова.** К вопросу о трудностях в согласовании....89

**Г.Тангрибергенова.** Виды работ по переводу....92

**I.Raximova.** A contrastive analysis of idioms and phraseological units in english and uzbek languages....95